



ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ ТАРАҚҚИЁТ ОҲАНГЛАРИ

Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат университетининг Ургут филиалида
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси, таниқли адиб Абдусайд Кўчимовнинг
«Юксалиш симфонияси» номли китоби тақдироти бўлиб ўтди

«Юксалиш симфонияси». Янги нашр. Бу асардан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси, таниқли адиб Абдусайд Кўчимовнинг мамлакатимизда амалга оширилаётган улкан ислохотлар самаралари акс этган публицистик мақолалари ўрин олган.

Ўқувчилар тўпламини мутлоа қилар экан, кейинги ўн йилликда юртимизда рўй берган улкан ўзгаришлар, ҳаётбахш эврилишларни теран ҳис этади. Муаллиф билан мамлакатнинг барча гўшаларида бирга юргандек, худудлардаги янгиланишларни кўргандек бўлади. Содда ва самимий, раван ва широна биткиларда қадим юртнинг ўлмас оҳанглари жарангини, шу билан бирга, Янги Ўзбекистоннинг бугунги руҳини қалбдан ҳис этади.

Тўпلامдан ўрин олган мақолаларда мамлакатимиз худудларининг бугунги ўзгаришлари, тараққиёти кечаги кун билан қиёсланган ҳолда баён этилганки, бу ўқувчини ҳозирги шиддаткор ўсиш, ривожланиш ўз-ўзидан бўлмаётгани, давлат раҳбарининг ҳамиша бедорлиги, халқ учун, Ватан учун беором меҳнат қилаётгани самараси эканини англашга ундайди.

Самарқанд вилояти ҳоқими ўринбосари Хусан Тўхтаев, Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат университетининг ректори, Олий Мажлис Сенати аъзоси Рустам Холмуродов, Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети профессори Қозоқбой Йўлдошев, «Ishonch» ва «Ishonch-Doverie» газеталари бош муҳаррири, Олий Мажлис Сенати аъзоси Хусан Эрматов ва бошқалар иштирок этган тақдиротда шулар ҳақида сўз юритилди.

Самарқанд давлат университети ректори, профессор Рустам Холмуродов таъкидлаганидек, мазкур мақолалар даврий нашрларимизда, интернет саҳифаларида мунтазам эълон қилиб борилган. Эндиликда уларнинг Янги Ўзбекистоннинг юксалиш симфонияси каби маржондек тизилиб, катта бир тўплам, китобга айлангани фақат бугун эмас, тарих учун ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Тақдиротда муаллиф бугун мамлакатимизда кечаётган оламшумул ўзгаришлар, давлатимиз раҳбарининг шижоатли сиёсати ҳар бир ижодкорни бу жараёнлар ҳақида ёзишга ундаши, қалбдаги тугёнларни янада жўш урдишини қайд

этди. Тўпلامни нашр этишда кўрсатган амалий ёрдами учун Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси раҳбариятига миннатдорлик билдирди.

– Бу китобнинг ҳар бир сатри, ҳар бир саҳифаси Президентимизнинг фаолиятлари, амалга ошираётган ишлари, шижоатли қадамлари ҳақида, – деди А.Кўчимов. – Албатта, у кишининг кейинги ўн йилда давлат раҳбари сифатидаги фаолияти ҳақида қалбимиз фахр ва ифтихорга тўлиб қатта-қатта асарлар ёзиш мумкин. Бизнинг бу китобимиз ана шу йўлдаги кичик бир қадам, Президентимиз ишларининг бир заррасини акс эттиради, холос.

Таниқли сиёсатшунос, жамоат арбоби Қудратилла Рафиқов мазкур китоб сўзбошисида ёзганидек, ҳақиқат ва самимият билан ёзилган бу асар фақат тарихий ёки сиёсий солнома эмас, балки ўз тақдирини ўзгартиришга бел боғлаган халқнинг руҳий-маънавий ҳолати акс эттирилган бебаҳо кўзгудир.

Нурилла ШАМСИЕВ
«ISHONCH»

Қувончбек ТўРАЕВ олган суратлар



Ishonch.uz телеграм каналига ўтинг ва батафсил танишинг:

Пойтахтда илк полиция дронлари иш бошлади

Ishonch.uz телеграм каналига ўтинг ва батафсил танишинг:

Тошкентда қатор зарядлаш станциялари токдан узилди: ким айбдор?

1211
ЭШИТАДИ...

ЎҚУВАРИЛИШ МАҚОМИНИ ПАСПОРТСИЗ ТАСАВВУР ҚИЛИБ БЎЛМАЙДИ. ҲУЖЖАТСИЗ ОДАМ ҚАНОТСИЗ КЎШДЕК ГАП-ДА. КАТТАКЎРҒОНЛИК АДАШОЙ ИМОВА ШУ МАСАЛАДА КЎП ВА ҲЎП КУЙИНДИ.

«Сизларнинг бу ютугингиз Президентимиз томонидан спортга ва ёшларга берилётган эътиборнинг самараси бўлди, десак янглишмаймиз. Ишонанки, келгуси йил янада юқори дивизионга чиққанларингиз билан қўлаш nasib этади. Бунинг учун сизларга барча шароитларни яратиб берамиз». Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси раиси Қудратилла Рафиқов ролпа-роса бир йил бурун хоккей бўйича жаҳон чемпионати III дивизион «В» гуруҳида голибликни қўлга киритган U18 терма жамоамиз аъзоларини табриқлар экан, шу сўзларни айтган эди.



ЁШ ХОККЕЙЧИЛАРИМИЗ ЯНА ТЕНГСИЗ

Янги ният барибир яхши-да! У ёшларга рағбат берган, ўзига ишонч бағишлаган бўлса, не ажаб! Ҳар ҳолда, таркибининг 18 нафарини касба уюшмалари Федерациясининг хоккейчилари ташкил этган U18 терма жамоамиз жорий йил 2-8 март кунлари Гонконгда ўтказилган жаҳон чемпионати III дивизион «А» гуруҳида голибликни қўлга киритиб, яна бир бор ишончини оқлагани шундай ўйлашга ундайди одамни.

Мусобақада жами 5 та учрашув ўтказган ёшларимиз юқори маҳорат намойиш этиб, турнирни мағлубиятсиз яқунлашди. Улар дастлаб мусобақа мезбонларидан 6:2 ҳисобида устун келган бўлишса, кейин кетма-кет Янги Зеландия (13:2), Туркия (7:6), Болгария (5:3) терма жамоаларини мағлуб этишди.

Сўнгги турда юртимизнинг ёш хоккейчилари исроиллик тенгдошларига қарши музга тушиб, 6:3 ҳисоби билан ишончли ғалабага эришди. Шу тариқа, терма жамоамиз рақиблик дарвозасига жами 37 та шайба киритди ва 14 очко жамғарди. Ушбу натижа хоккейчиларимизнинг гуруҳда яққол устунлик билан 1-ўринни эгаллашини таъминлади.

Мазкур муваффақият туғайли Ўзбекистон U18 терма жамоаси келаси йил жаҳон чемпионати II дивизионининг «В» гуруҳида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритди.

Қайд этиш керакки, Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси спортчиси Салоҳиддин Азимов турнирнинг энг яхши хоккейчиси, деб топилди ва махсус соврин билан тақдирланди.

Ёш чемпионлар Тошкент халқаро аэропортида Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси, хоккей федерацияси мутасаддилари, спортчиларнинг оила аъзолари томонидан тантанали қўтиб олинди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2025 йил Президент олимпиадаси ўйинларининг очилиш маросимида таъкидлаганидек: «Янги Ўзбекистоннинг спорт тарихини ана шундай юзлаб иродаси мустақкам, жасур ва матонатли, юксак интеллектуал салоҳиятга эга ўғил-қизларимиз яратмоқда».

Дармон ИБРОҲИМОВ
«ISHONCH»

ҲУЖЖАТЛАРДА ЙЎҚ ЭДИ ИСМИ

Пап шундаки, у яқинда ўн саккиз ёшни қаршилайдиган ўғлига паспорт расмийлаштиришда роса овора-ю сарсон бўлди. Қайси идорага бош уриб бормасин, «Яшаб турган хонадонингизнинг кадастр ҳужжати йўқ», деган баҳона билан рад жавобини бераверишди.

Мақтабни тугатиб, рўзғор юкини елкасига оладиган йигит сўппайиб, уйда ўтириши яхши эмас. Аммо ишлаш деса, қўлида ҳужжати йўқ. Она шўрлик боласининг ҳолатига ортиқ чидолмади. Умид билан Ўзбекистон касба уюшмалари Федерациясининг аёллар муаммолари билан ишловчи 1211 рақамли «Ишонч телефони»га сим қоқди.

Шундан сўнг унинг муаммоси мутасаддилар томонидан назоратга олинди. Кўп ўтмай Темурбек Имомов доимий рўйхатга қўйилиб, унга янги намунадаги ID картаси расмийлаштириб берилди.

Нурбек ФАХРИДДИНОВ

МАҚСАД —

ФАРОВОНЛИККА ҲИССА ҚЎШИШ



Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги меҳнат жамоасининг умумий йиғилиши бўлиб ўтди. Унда 2023–2025 йиллар учун қабул қилинган Жамоа шартномасининг 2025 йилда бажарилиши ҳамда 2026–2028 йиллар учун янги тузилаётган Жамоа шартномаси муҳокама этилди.

Йиғилишда ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ҳамда меҳнат соҳасидаги ҳуқуқларини ҳимоялаш борасида амалга оширилган ишлар тўғрисида ташкилот директорининг биринчи ўринбосари Б.Ҳамроев ва бошланғич касабани уюшмаси қўмитаси раиси М.Сайдуллаевнинг ҳисоботи тингланди.

Қайд этилганидек, ташкилот ходимларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида Жамоа шартномаси бандларининг 2025 йилда бажарилиши бўйича агентлик раҳбарияти ва касабани уюшмаси қўмитаси ижтимоий шериклигида самарали ишлар амалга оширилди. Хусусан, Агентлик ходимларини моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари харид қилинди ва бошқа турдаги моддий ёрдамлар кўр-

сатилди. Пенсия ёшига етган ходим ўз ташаббуси билан меҳнат шартномасини бекор қилишни сўраганида, унга иш стажига боғлиқ ҳолда тўловлар тўланди. Барча ходимлар байрамларда мукофот пуллари билан рағбатлантирилди.

Меҳнат жамоасида соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш, ўзаро ҳам-жихатликни мустаҳкамлаш ва жисмоний фаолликни ошириш учун «Workout» майдончаси ҳамда спорт турлари бўйича мусобақалар ташкил этилди.

Йил давомида ходимларнинг маданий-эстетик ҳордиқ чиқаришларини таъминлаш мақсадида тоғли ҳудудлар, тарихий масканлар ва театр-концерт дастурларига бепул чигталар берилди. Меҳнаткашлар ва фарзандларини ёзи таъғил вақтида соғломлаштириш учун улар санаторийлар ҳамда оромгоҳларга

йўлланмалар билан таъминланди.

Ташкилот бошланғич касабани уюшмаси қўмитаси раиси ўз ҳисоботида куйидагиларни маълум қилди.

Агентликда кўп йиллардан бери самарали меҳнат қилиб келаётган ва юбилей ёшидаги ходимларга совғалар ва жамоа шартномасида белгиланган пул мукофотлари берилган. Турли байрамлар муносабати билан ходимлар рағбатлантирилган. Янги йил байрами арафасида ходимларнинг 12 ёшгача бўлган фарзандлари учун совғалар, байрам томошаларига чигталар тақдим қилиш анъанасига айланган. Касабани уюшмаси қўмитаси ҳисобидан йил давомида ходимларнинг маданий ҳордиқ чиқаришлари, шунингдек, ички туризмни қўллаб-қувватлаш мақсадида 17 миллион сўм маблағ йўналтирилди.

Агентлик ходимларининг эса «Арчазор» ҳамда «Севан три» дам олиш масканларида ҳордиқ чиқаришлари

Сўзда, Навоий, не десанг чин дегил,
Рост наво нағмага таҳсин дегил.

Алишер Навоий

Муҳокама

таъминланди. Ходимлардан тушган аризалар касабани уюшмаси қўмитаси томонидан кўриб чиқилиб, муҳтожларга жами 32 миллион 800 минг сўм миқдорда моддий ёрдам кўрсатилди. Шунингдек, ҳудудий ва тизим ташкилотлари ходимлар ўртасида спортнинг шахмат, шашка, стол тенниси, футбол каби турлари бўйича мусобақалар ўтказилиб, голиблар тақдирланди. Ходимлар футбол ва мини-футбол билан шуғулланишлари учун хусусий ҳамда ўқув масканларига тегишли очик ва ёпиқ майдонларда шарт-шароитлар яратилди.

Йиғилишда Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлигининг 2026–2028 йилларга мўлжалланган жамоа шартномаси лойиҳаси ҳам муҳокама қилинди. Муҳокамалар жараёнида янги лойиҳа бўйича қўшимча ва таклифлар билдирилди.

Янги Жамоа шартномасида агентлик ходимларини доимо маънавий ва моддий қўллаб-қувватлаш, қийин вазиятларда уларга қўмақлашиш, маърифий ва спорт йўналишларидаги тадбирларни кўпайтириш борасида иш берувчи ҳамда касабани уюшмаси қўмитасининг ижтимоий шериклигини янада кучайтириш масаласига алоҳида эътибор қаратилди.

Муҳаббат ЎРМОНБЕКОВА,
Ўзбекистон касабани уюшмалари Федерацияси Матбуот хизмати раҳбари

Жараён

Таълим ва фан ходимлари касабани уюшмаси Наманган шаҳар бўлини 7-умумий ўрта таълим мактабиди ташкил этган йиғилишда жамоанинг ўтган даврдаги фаолияти сарҳисоб қилиниб, келгуси уч йиллик устувор вазибалар белгилаб олинди.

СИФАТЛИ ТАЪЛИМ КАФОЛАТИ

Кун тартибидидаги асосий масала 2025 йил давомида жамоа шартномасида белгиланган тадбирларнинг ижроси бўлиди ва мактаб директори Маҳфузахон Муралимова ҳамда касабани уюшмаси қўмитаси раиси Тоифахон Абдуллаевнинг ҳисоботлари тингланди. Қайд этилганидек, муассасада меҳнат қилаётган 230 нафар ишчи-ходим манфаатлари, меҳнат муҳофазаси ва ижтимоий қўллаб-қувватлашни жамоа шартномаси орқали ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаб, тизимли равишда таъминлаб келинмоқда.

Йиғилишда 2026–2028 йилларга мўлжалланган янги жамоа шартномаси лойиҳаси ҳам муҳокама қилинди. Қизғин баҳс-мунозаралар жараёнида иштирокчилар ўз фикр ва таклифларини билдиришди. Ишчи гуруҳ томонидан тайёрланган ҳужжат ходимларнинг фикр-мулоҳазалари асосида янада такомиллаштирилиб, бир овоздан тасдиқланди.

Янги шартномада ходимлар учун қўшимча ижтимоий кафолатларга алоҳида эътибор қаратилди. Жумладан, ишчи-ходимларга қўшимча ижтимоий ва иш ҳақи сақланмаган таътиллар бериш, ходимлар ҳамда уларнинг оила аъзоларини соғломлаштириш ва йўлланмалар ажратиш, ички туризм асосида жамоавий ва оилавий дам олишни ташкил қилиш, ёш мутахассисларни маданий-маърифий тадбирлар ҳамда касб маҳорати танловларига кенг жалб этиш каби муҳим бандлар киритилди.

– 2026–2028 йилларга мўлжалланган янги жамоа шартномасида ходимлар учун қўшимча ижтимоий кафолатлар белгилангани кувонарли, – дейди мактаб ўқитувчиси Гулнара Ирматова. – Айниқса, қўшимча таътиллари, соғломлаштириш учун йўлланмалар бериш, оилавий дам олишни қўллаб-қувватлаш каби бандлар жуда ўринли. Чунки ўқитувчи нафақат дарс беради, балки маънавий ва руҳий жиҳатдан ҳам доим фаол ишлашга мажбур бўлади. Шу боис унинг дам олиши ва саломатлигига эътибор қаратилиши сифатли таълимнинг муҳим шартидир.

Тадбир якунида шаҳар кенгаши томонидан жамоадаги соғлом муҳит, яратилган шароитлар ижобий баҳоланиб, касабани уюшмасининг келгуси фаолияти юзасидан амалий тавсиялар берилди. Жамоат ишларида фаол қатнашиб, ёшларга таълим-тарбия беришда жонбозлик кўрсатаётган 18 нафар ходим касабани уюшмасининг эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Акмалжон УМАРОВ,

Таълим ва фан ходимлари касабани уюшмаси Наманган шаҳар кенгаши раиси

Сарҳисоб

Когон туманидаги 3-умумий ўрта таълим мактабиди 2023–2025 йилларга мўлжалланган жамоа шартномаси ижросига бағишлаб йиғилиш ўтказилди. Унда Таълим ва фан ходимлари касабани уюшмаси туман кенгаши раиси ушбу ҳужжатнинг меҳнат муносабатларини тартибга солиш, ходимлар манфаатини ҳимоя қилиш ва ижтимоий барқарорликни таъминлашдаги аҳамиятига алоҳида тўхталди.

ЎЗАРО ИШОНЧ САМАРАСИ

Ҳисоботда таълим муассасасида ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилиш, меҳнат шароитларини яхшилаш, ижтимоий қўллаб-қувватлаш чораларини кучайтириш, меҳнат интизомини мустаҳкамлаш борасида амалга оширилган ишлар юзасидан маълумотлар берилди. Қайд этилишича, шартномада белгиланган вазибаларнинг асосий қисми ўз вақтида ва сифатли бажарилган. Шу боис шартнома ижросини ўрганган комиссия ҳулосаси тасдиқланиб, уни янада такомиллаштириш бўйича таклифлар билдирилди. Йиғилиш якунида жамоа шартномасининг ижроси қониқарли, деб баҳоланиб, унинг самардорлигини оширишга қаратилган устувор йўналишлар белгилаб олинди.

Шу кунги Когон шаҳридаги 9-давлат мактабгача таълим ташкилотиди ҳам жамоа шартномаси муҳокамасига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Бу муассасада жамоа шартномаси меҳнат жараёнини тартибга солувчи асосий ҳужжат сифатида қабул қилинган. Жумладан, унда иш вақти ва дам олиш тартиби, меҳнат шароитлари, моддий рағбатлантириш, ижтимоий кафолатлар, меҳнат муҳофазаси бўйича мажбуриятлар аниқ белгиланган. Муҳокама давомида ушбу йўналишларда амалга оширилган ишлар юзасидан маълумотлар тақдим этилди, эришилган натижалар қайд қилинди, ечим талаб этаётган жиҳатлар бўйича фикрлар алмашилди. Муҳокама якунида ижро интизомини кучайтириш, шартнома бандларининг тўлиқ ва сифатли бажарилишини таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Бир ҳудудда бўлиб ўтган икки учрашув ижтимоий шериклик амалда қандай самара бераётганини кўрсатди. Жамоа шартномаси фақат расмий ҳужжат эмас, балки иш берувчи ва ходим ўртасидаги ўзаро ишонч, масъулият ва ҳамкорликни мустаҳкамловчи муҳим омил экани яна бир бор ўз тасдиғини топди.

Мавлуда НАРЗИЕВА,

Когон туманидаги 3-умумий ўрта таълим мактаби касабани уюшмаси қўмитаси раиси,

Маъмура МУҚИМОВА,

Когон шаҳридаги 9-давлат мактабгача таълим ташкилотининг касабани уюшмаси қўмитаси раиси

Йиғилиш

ХОДИМЛАРНИНГ ҲАҚИҚИЙ ҲИМОЯЧИСИ

Фарғона шаҳар тиббиёт бирлашмасида бўлиб ўтган йиғилишда 2023–2025 йилларга мўлжалланган жамоа шартномасининг ўтган йилдаги ижроси муҳокама қилинди.

Таъкидланишича, аввало, иш берувчи ва касабани уюшмаси қўмитаси бамаънавият иш олиб бориши натижасида ҳужжатга ходимлар манфаати учун кизмат қиладиган қўшимча имтиёз ва кафолатлар киритилган. Шу боис ўтган давр мобайнида ишчи-ходимлар кўплай имтиёزلарга эга бўлишди. Жумладан, ишда намуна кўрсатганлар рағбатлантирилди. Айниқса,

фидойи хизматчиларга алоҳида эътибор қаратилди. Ходимлар навбати билан санаторийларда дам олиб, саломатликларини мустаҳкамлашди. Ўтган йили ҳам юз нафарга яқин ходимлар сўлим сиҳаттоҳларда дам олиб қайтишди. Тарихий шаҳарларга саёҳатлар уюштириш анъанавий тус олган.

– Бир сафга бирлашган тиббиёт ходимларини қўллаб-қувват-

лаб, уларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ҳимояси йўлида астойдил ҳаракат қилишимиз, – дейди Фарғона шаҳар тиббиёт бирлашмаси етакчиси Ҳимояхон Собирова.

Йиғилишда сўзга чиққанлар касабани уюшмаси ходимларнинг ҳақиқий ҳимоячисига айланганини эътироф этиб, етакчининг ўтган йилги фаолиятини ижобий баҳолашди.

Шундан сўнг 2026–2028 йилларга мўлжалланган янги жамоа шартномаси қабул қилинди.

Жамшид ЭРТАШЕВ
«ISHONCH»

Урганчдаги Жалолдин Мангуберди номидаги ҳарбий-академик лицейда меҳнат жамоасининг умумий йиғилиши бўлиб ўтди. Унда жамоа шартномасининг ўтган йил давомида бажарилиши бўйича директор Ўринбосари Абдулла Ибадуллаев ва касабани уюшмаси қўмитаси раиси Бахтиёр Мискиновнинг ҳисоботлари тингланди. Шунингдек, 2026–2028 йилларга мўлжалланган лойиҳа атрофида муҳокама қилинди.



Таълим масканида 73 нафар ишчи-хизматчи меҳнат қилади. Уларнинг меҳнат ва ижтимоий-иқтисодий, маънавий ҳуқуқлари тўла таъминланмоқда. Юқори натижаларга эришган ходимлар вақтида рағбатлантирилмоқда.

Меҳнатни муҳофазаси қилишга доир тадбирлар доимий назоратда. Ходимлар махсус кийим-бош, шахсий ҳимоя ва гигиена воситалари билан таъминланган. Барча ходимлар тиббий

кўриқдан ўтказилди. Шифокорлар томонидан саломатликни мустаҳкамлаш бўйича тавсиялар берилди. Моддий ёрдамга муҳтож 8 нафар ишчи-хизматчига эса касабани уюшмаси томонидан амалий ёрдам кўрсатилди.

Жамоада соғлом муҳитни шакллантириш мақсадида байрам тадбирлари ва спорт мусобақалари мунтазам ташкил этилмоқда. Ҳафтасига бир марта ишдан сўнг ходимлар спорт билан шуғулланишлари анъанасига айланган.

Ходимларни санаторийларда соғломлаштириш, қўшимча тиббий кўриқлар ташкил этиш, маданий ва спорт тадбирларини янада кенгайтириш устувор вазифа сифатида белгиланган.

Йиғилишда кун тартибидидаги масалалар тегишли тартибда кўриб чиқилди ва қарорлар қабул қилинди.

Ўзбекистон касабани уюшмалари Федерациясининг Хоразм вилояти кенгаши раиси маслаҳатчиси Равшан Жабборов мамлакатимизда амалга ошири-

лаётган ижтимоий ҳимоя сиёсатининг аҳамияти, бу жараёнда касабани уюшмаларининг иштироки ҳақида маъруза қилди. Иштирокчилар ўзларини қизиқтирган саволларга батафсил жавоб олишди.

Хурсанд САТТОРОВ,

Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касабани уюшмаси Хоразм вилояти кенгаши Ташкилий ишлар бўлими мудири

Фаолият



Хаёт менга кўп нарсаларни кечиришни,
аммо улардан-да кўпроқ тавба қилишни ўргатди.
Отто фон Бисмарк

Муносабат



КУЧЛИ «ИНТЕЛЛЕКТУАЛ ДРАЙВЕР»ГА АСОС

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг жорий йил 24 февраль куни мамлакат ёшлари билан ўтказган очиқ мулоқоти юртимизда кечаётган ислохотларнинг мантиқий давоми ва эртанги кунимизнинг мустақам пойдевори сифатида тарих саҳифаларидан жой олди. Ушбу учрашув давлат ва ёшлар ўртасидаги ишонч кўпригини янги босқичга кўтарди, десак, муболага бўлмайди. Президентимиз томонидан илгари сурилган ҳар бир ташаббус замирида йигит-қизларимизнинг ижтимоий-иқтисодий фаоллигини ошириш ва уларнинг интеллектуал салоҳиятини мамлакат равнақига йўналтиришдек эзгу мақсад мужассамдир. Бугунги кунда ёшлар сиёсати Ўзбекистонда давлат стратегиясининг ажралмас қисмига айланди ва бу жараён нафақат ҳуқуқий, балки жуда катта молиявий ресурслар билан таъминланмоқда.

Мулоқотда эълон қилинган рақамлар ва аниқ фактларга эътибор қаратадиган бўлсак, ёшлар тадбиркорлигини ривожлантириш учун қўшимча 200 миллион доллар йўналтирилиши белгилангани тарихий воқеалиқдир. Бу маблаг минглаб янги иш ўринлари яратилишига, юзлаб инновацион гояларнинг ҳаётга татбиқ этилишига замин яратди. Шунингдек, ўзини ўзи банд қилган ёшлар учун имтиёзли кредит миқдорининг 300 миллион сўмгача оширилиши чекка ҳудудлардаги шижоатли йигит-қизларимиз учун ҳам иқтисодий мустақиллик йўлини очиб беради. Айниқса, инновацион стартап лойиҳаларга 100 минг долларгача тўғридан-тўғри инвестиция киритилиши ҳамда энг яхши истиқболли лойиҳаларни халқаро даражадаги брендга айлантириш учун 1 миллиард сўмгача маблаг ажратилиши илм-фан ва бизнес уйғунлигини таъминлашга хизмат қилади. Бундан буюн ёш олим ёки иxtирочи ўз махсулотини бозорга чиқариб, катта даромад топиши ҳам мумкин.

Давлатимиз раҳбарининг яна бир муҳим ва стратегик қарори – ҳар ҳафтанинг пайшанба куни барча вазирлик, идора ва ҳокимликларда «Ёшлар куни» деб эълон қилиниши бўлди. Бу механизм давлат идоралари эшикларидан ёшлар учун доимо очиқ бўлишини, раҳбарлар эса уларнинг муаммо ва тақлифлари билан бевосита шугулланишини аниқлатади. Бундай ёндашув бюрократик тўсиқларни парчалаб, давлат ва ёш авлод ўртасидаги масофани максимал даражада қисқартиради. Эндilikда ҳар бир раҳбар фаолиятига у ёшлар билан қанчалик яқин ишлаётгани ва уларнинг нечта муаммосини ҳал этганига қараб ҳолис ижтимоий баҳо берилади.

Мазкур кенг қўламли ислохотларнинг ижросини таъминлашга таълим муассасалари, хусусан, Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерациясининг Меҳнат ва ижтимоий муносабатлар академияси ҳам алоҳида масъулият билан ёндашмоқда. Академиямизда талаба-ёшлар бандлигини таъминлаш ва уларни замонавий

меҳнат бозорига рақобатбардор кадрлар этиб тайёрлаш бўйича тизимли ишлар йўлга қўйилган. «Фан – таълим – ишлаб чиқариш» интеграциясини кучайтириш мақсадида мамлакатимизнинг йирик sanoat корхоналари ва ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорлик меморандумлари имзоланган. Бу эса талабаларимизга фақат назарий билим олиши эмас, балки ўқиш давридаёқ реал иқтисодий кейслар асосида амалиёт ўташ имконини бермоқда. Бу борада Федерация тасарруфидоги ташкилотларнинг хиссаси беқиёс бўлиб, улар ёшларнинг касбий салоҳиятини талабалик давридаёқ аниқ белгилаб беришига кўмаклашмоқда.

Бизнинг бош мақсадимиз – Президентимиз белгилаб берган вазифалар доирасида меҳнат бозори талабларига жавоб берадиган, замонавий фикрлайдиган мутахассисларни тайёрлаш. Академияда ёшларнинг тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш ва стартап лойиҳаларини рағбатлантириш сифат жиҳатидан янги поғонага кўтарилган. Бугунги талаба эртага иш берувчига ҳам айланиши керак. Шу боис ёшларга нафақат муайян соҳалар бўйича билим беришимиз, балки уларда етакчилик қобилияти ва тадбиркорлик қўникмаларини шакллантиришга ҳам катта эътибор қаратилмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, Президентимизнинг мамлакат ёшлари билан уларнинг ташаббусларини қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча имкониятларга бағишланган мулоқоти – Ўзбекистоннинг яқин келажагдаги иқтисодий ўсишини таъминлайдиган «Интеллектуал драйвер» бўлиб хизмат қилиши, шубҳасиз. Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерациясининг Меҳнат ва ижтимоий муносабатлар академияси ҳам алоҳида масъулият билан ёндашмоқда. Академиямизда талаба-ёшлар бандлигини таъминлаш ва уларни замонавий

Сирожиддин ЮСУПОВ,
Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерациясининг Меҳнат ва ижтимоий муносабатлар академияси проректори

Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерациясининг Самарқанд вилояти кенгаши ҳамда ҳудуддаги барча тармоқ касабаси уюшма кенгашлари жамоалари Ўзбекистон агросаноат мажмуи ходимлари касабаси уюшмаси Самарқанд шаҳар кенгашининг мутахассиси Нигина Хайриевага онаси

Гулнора ая МИРОВА

вафот этгани муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

«Ishonch» газетасининг 2026 йил 12 февралдаги 20-сонида «Юз минг киши орасидан танланган одам ёхуд қартабоз қайнота-қайнона ва келин-куёвлар кўпаяётгани ростми?» сарлавҳали мақола эълон қилинган эди. Унга Ўзбекистон Республикаси Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кўмитаси кўйидаги мазмунда муносабат билдирди:



Мақолада баён этилган масалалар таҳлил қилинганда, унда телефон орқали турли махсулот ва хизматлар реклама қилинаётганлиги, бизнес-тренинг ва тақдимотлар орқали махсулот сотиб олишга ундаётганлиги, озиқ-овқатлар улгуржи савдоси билан шугулланувчи субъектлар даволаш махсулотлари рекламаси билан ноқонуний шугулланаётганлиги, ижтимоий тармоқларда блогерлар ва меҳмонхоналар томонидан жойлаштирилган контент ва рекламалар мазмунини оилавий анъаналарга мос келмаслиги, контентлар маънавий-ахлоқий экспертизадан ўтказилиши лозимлиги ва бошқа масалалар акс эттирилган.

Кўмига ўз ваколатлари доирасида реклама ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қо

нунчилик талабларига риоя этилиши устидан назоратни амалга ошириб келмоқда.

Рекламаларнинг жойлаштирилиши ва тарқатилиши бўйича 2025 йилда жами 34 882 та ўрганишлар ўтказилган бўлиб, 16 880 та ҳолатда турли камчиликлар аниқланиб, уларни тезкор бартараф этиш чоралари кўрилган.

Рекламага оид ҳуқуқбузарлик ҳолатлари бўйича аниқланган 384 та субъектга нисбатан 8 196 млн. сўм миқдорда молиявий жарималар қўлланилган.

Рекламага оид қонунбузулишларга нисбатан тезкор чоралар кўриш мақсадида Ахборот ва оммавий коммуникациялар соҳасида назорат органлари билан ҳамкорлик йўлга қўйилган бўлиб, улар билан биргаликда букмекерлик хизматларига оид рекламани тарғиб қилувчи веб-сайтларга киришни чеклаш (блоклар) чоралари кўрилмоқда. Хусусан, олиб беришган ишлар нагисасида букмекерлик хизматларини тарғиб қилувчи 100 га яқин веб-сайтни блоклар бўйича тегишли органга тақлифлар киритилган ва шундан 67 та сайт блокланган.

Бундан ташқари, сўнгги 3 йилда кўмига истеъмолчилардан 104 431 та мурожаат келиб тушган бўлиб, уларни кўриб чиқиш натижасида истеъмолчилар фойдасига 99,6 млрд. сўм маблаг қайта ҳисоб-китоб қилиниши таъминланган. Шундан 2025 йилда келиб тушган мурожаатларнинг 58 фойзи – уй-жой коммунал, транспорт хизматлари, 23 фойзи – савдо ва умумий овқатланиш, 16 фойзи – алоқа, молия ва ижтимоий хизматлар ҳамда 3 фойзи бошқа масалаларига тўғри келади.

Келиб тушаётган мурожаатлар ва ижтимоий тармоқлардаги ахборотларни таҳлил қилиш асосида истеъмолчиларнинг номуайян доираси ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақса-

дида муайян соҳа ва йўналишларда тизимли ўрганиш ва таҳлиллар ўтказиб келинади, аниқланган камчиликлар бўйича тегишли чоралар кўрилади;

ҳукуматга, мутасадди вазирлик ва идораларга (муайян соҳанинг юқори турувчи, мувофиқлаштирувчи ёки назорат қилувчи органига), ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига ўрганиш ва таҳлиллар домида аниқланган камчиликларни бартараф этиш, тартибга солиш, тегишли чора кўриш, норматив-ҳуқуқий базани мустақамлаш бўйича зарур ахборот киритиб борилади;

аҳолининг хабардорлигини ва ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, товар, иш ва хизматлардан фойдаланишда ҳамда сотувчи (хизмат кўрсатувчи, ишлаб чиқарувчи) билан шартномавий ва пуллик муносабат-

ларда келишмовчиликларга (низо-ларга) дуч келмаслик учун нима-ларга эътибор беришлари лозимлиги ҳақида кўмига ахборот каналлари ва оммавий ахборот воситаларида ҳуқуқий тушунтириш ва огоҳлантириш мазмундаги ахборотлар жойлаштириб борилади.

Бундай ҳуқуқий тушунтириш ва огоҳлантиришлар истеъмолчиларнинг ҳуқуқий билими ва истеъмол маданиятини ошириш билан бирга, савдо, иш, хизмат кўрсатувчи тадбиркорлик субъектларининг истеъмолчилар олдидаги масъулияти орттиришга, ўз фаолият йўналишида рақобатбардор бўлишга, истеъмолчиларга сифатли ва хавфсиз хизмат кўрсатишга, умуман, истеъмолчи манфаатлари учун янада самарали фаолият олиб боришига ундайди, деб ҳисоблаймиз.

Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кўмитаси бошқарма бошлиғи

Э. ХАЙТМЕТОВ

ТАХРИРИЯТДАН:

Мақолага муносабат сўралган санадан роппа-роса 14 кун ўтиб кўмигадан жавоб келди. Аввало, хат беъэтибор қолдирилмагани учун раҳмат!

Жавоб хатида кўмига реклама ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги қонунчилик талабларига риоя этилиши юзасидан ваколати доирасида назоратни амалга ошириб келаяётганлиги таъкидланиб, фаолиятга доир қатор рақамлар келтирилади-ю, мақолада тилга олинган аниқ масолага нисбатан муносабат умуман кўзга ташланмайти.

Бошқарма бошлиғи Э.Хайтметов ҳисобот ўлароқ келтираётган рақамлар шусиз ҳам жамоатчиликка маълум: оммавий ахборот воситаларида Кўмига фаолиятни мунтазам ёритилапти, қолаверса, қилинаётган ишлар ташкилотнинг тармоқлардаги расмий саҳифаларида ҳам доимий равишда «пиар» қилиб борилаёттир.

Ҳолбуки, тахририят ваколатли идорадан мақолада баён қилинган муаммолар бўйича аниқ ва дўнда жавоб кутганди. Бошқарма бошлиғининг муносабати эса, таъбир жоиз бўлса, атоқли ёзувчи Абдулла Қаҳҳорнинг «Нафис адабиёт муаллими» ҳикояси қаҳрамони, яъни ўқувчисининг саволига жавоб беролмай, умумий ва баланпарвоз сўзлар билан заппи айлантирувчи Боқоқон Бақоевнинг тутумини эслатади.

Умид қиламизки, «юмалоқ ёстиқ» муносабат кўмитанинг мақолада келтирилган аниқ манзилли муаммолар бўйича чора кўришга оқсизлиги эмас, аксинча, айрим масъулларнинг шунчаки ҳафсаласизлиги маҳсули, холос.

Долзарб мавзу

Яқинда дорихоналарда рецептсиз дори сотиш тақиқланди. Аммо бу ҳаммасига ҳам тааллуқли эмас. Ўзини ўзи даволаш ортидан аҳоли орасида иммунитет пасайиши каби муаммолар келиб чиқмоқда. Бу бутун жамиятнинг соғлиғига таҳдид солмоқда. Демак, дорихона бизнеси кенгаётган бир пайтда фармацевтик назорат ва масъулият ҳам шунга яраша кучайтирилмаса, оқибати оғир бўлиши мумкин.

Яна бир жиҳат рақобат масаласидир. Одатда у сифатни оширади, дейилади. Аммо соғлиқни сақлаш соҳасидаги ҳаддан ташқари тижоратлашув бошқа муаммоларни туғдириши мумкин. Масалан, битта дори ёнма-ён жойлашган иккита дорихонада ҳар хил нархда сотилмоқда. Бундай вазиятда харидор иккиланиб қолиши табиий. Ҳар ҳолда, реклама ёки ташқи безак, нарх-наво сифатни белгиланмас керак...

Дорихоналар жойлашувига ҳам эътибор қаратиш жоиз. Мактаб, боғча ёки шифохона ёнида уларнинг бир нечтаси ишлаб турибди. Мазкур ҳолат соғлом муҳит яратиш концепциясига қанчалик мос келади? Бу дори воситаларини истеъмол қилиш имконияти кучайиб бораётгандек таассурот ўйготмайдами? Ахир, ривожланган соғлиқни сақлаш тизими касалликни даволашдан кўра, унинг олдини олишга ургу бериши керак эмасми?

Дорихоналар сони ортиши иқтисодий кўрсаткич сифатида ижобий кўриниши мумкин. Янги иш ўринлари яратилади, тадбиркорлик ривожланади. Лекин соғлиқни сақлаш тизимининг асосий мезони аҳоли саломатлигидир. Агар касалликлар кўпаяётган бўлса, бу жиддий сигнал.

Яна бир масала – дори ичиш маданияти. Жамиятда «Ҳар оғриққа бир таблетка» тушунчаси шаклланиб бормоқда. Ҳолбуки, аксарият ҳолатларда дам олиш, тўғри овқатланиш, вақтида шифоқор кўригидан ўтиш муҳим саналади.

Демак, муаммо дорихонанинг ўзида эмас, балки мувоzanатни сақлашдадир. Агар уни очил лицензиялаш, сифат назорати, рецепт тизими ва фармацевтик масъулият билан уйғун бўлса, бу қулайликдир. Агар бундан фақат тижорат кўзланса, соғлиқ иккинчи ўринга тушиб қолади. Шундай экан, соғлиқни сақлаш тизими даволаниш эмас, аввало, профилактикани устувор мақсад қилиши керак. Дорихоналар эса шунчаки савдо шохобчаси эмас, масъулиятли тиббий бўғин эканини унутмаслигимиз зарур.

Мухтасар айтганда, дорихоналар кўпайиши бир қарашда қулайлик ва ривожланиш белгиси бўлса-да, унинг ортида жиддий хавф ҳам йўқ эмас. Ҳўш, биз соғлом жамият куриши йўлидан кетамизми ёки дори истеъмолига ружу қўйишда давом этаемизми?

Салим АБДУРАҲМОНОВ

«ISHONCH»

Адолат дарахти суғормоқ, зулм эса тиканга сув тўymoқдир.

Жалолiddин Румий

Суҳбат



«АЙТТАНЛАРИМДАН АЙТОЛМАГАНЛАРИМ КЎП...»

Таниқли публицист ва адиб, «Жаҳон адабиёти» журналин бош муҳаррири Аҳмаджон Мелибоев билан журналистика, тахрир санъати ва СЎЗ масъулияти ҳақида гурунг

– Аҳмаджон ака, сиз аввал пединститутда ўқиб, меҳнат фаолиятингизни мактабда ўқитувчиликдан ташлашнингизга нима сабаб бўлган?

– Мактабда ўқиб юрганнимизда ўқитувчилар тез-тез баён ёздиришарди. Адабиёт ўқитувчимиз менинг ёзганларимни ўқиб, «Аҳмад, шу дейман, сандан нимадир чиқади-да», деб бошини сарак-сарак қилиб қўярди. Шу «нимадир» деган сўз сабаб бўлган. Негаки, менидан нима чиқишини аниқ билмаганим учун ўзимча баён ёзишни машқ қилверганман. Бора-бора уларнинг айримлари тўман газетасида босилган. Ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети журналистика факультетига ўқишга келганимга, тўман, вилоят газеталарида юздан ортиқ мақолаларим эълон қилинган, тўман газетаси тахририятдан «Штатсиз мухбир» деган гувоҳнома берилганди.

– Дастлабки мақолаларингиз қирғиз тилида чиққан экан...

– Тўманнимизда қирғиз тилида «Эмгек танки» («Меҳнат шарафи») деган газета чиқарди. Шу газета бир вақтлар танқидий мақолалари билан жуда машҳур бўлган. Менинг дастлабки хат-хабарларим шу гаптада босилган.

– Талабалик йилларингиз қандай кечган, қийналганмисиз?

– Ўқишда қийналмаганман, аммо, лекин шуки, Тошкентга келишдан бор-йўғи ярим ой аввал уйлانгандим. Бир йилдан сўнг оиламни ҳам олиб келдим. Ижарада яшаганмиз. Тошкентда биз кўчиб бормаган маҳалла қолмаган-ов. Бу кўч-кўчалар нималигини ижарада турганлар яхши билишарди. «Ташлаб юборилган яшиқ қисаси» номи ҳақиқиямда ҳаммасини баён қилганман.

– Ўзингиз ўқиган журналистика факультетига қўп йиллардан бери талабаларга сабоқ берасиз. Аввали ва бугунги талабалар, бугунги ўқув жараёнлари ҳақида қандай фикрдасиз?

– Авваллари журналистикани танлаган талабалар бирор соат дарс қолдирмай, шанба-яшанба кунлари ҳам қутубхонадан чиқмай ўқишарди. Бугун эса, биз уларни деярли мажбурлаб ўқитамиз. Муаммо шундаки, илгари факультетга журналистикага қизиққан, қалами бор, интилувчан ёшлар қабул қилинарди. Бугун эса... бурноғи йили ҳуқуқшунослик ёки табиёт университетларидан йиллик абитуриент ҳеч қийинчиликсиз журналистикага ўқишга кириши мумкин. Биласизми, ижодкорликка қобилияти, интилиши йўқларни қанча уринманг, ёзув-чикувга ўргатиш қийин. 1969 йили университетта ҳужжат топширгананда битта ўринга 18 талабгор бўлган. Тасаввур қиласизми?! Жуда зич элакдан ўтганмиз.

– Биз топширган йили, яъни 1988 йилда, адашмасам, битта ўринга 25 киши тўри келган...

– Ҳа, ўлманг, шу боисдан ҳам орамиздан қўлаб таниқли журналистлар, маданият ҳодимлари етилиб чиққан. Бугун қўлаб олий ўқув юрларида журналистика факультетлари очилиши туфайли танлов сусайди.

– Аҳволни яхши томонга ўзгартириш учун нима қилиш керак?

– Қабул қондаларини жиддий ис-

миз, пешонамиз қўп бор гўрра бўлган. Аммо кўп «мих» мақолалар цензурадан ўтмай, тортмаҳалда қолиб кетган. Шундай мақолаларнинг муаллифларидан ҳали-ҳануз уэр сўрайман. Дарвоқе, «кун қўрмаган» мақолалардан бирини яқинда, орадан ўттиз йил ўтгач, журналда эълон қилдик.

– Сиз публицист адибсиз. Публицист сифатида жамият олдида турган бирламчи вазифа нима деб ўйлайсиз?

– Бирламчи вазибалар қўп. Янги Ўзбекистонни қуриш, дунёга чиқиш, янги авлодни тарбиялаш, тинчлик ва тотувликни асраб-авайлаш, Чингиз Айтматов айтганидек, инсонни инсон мақомида сақлаб қолиш. Бир идо-рага кираришда: «Бу ердан ҳеч ким кўнгли тўлмай (иши битмай) чиқиб кетмасин» деган ёзувни қўрганман. Давлатимиз раҳбари барча бўғиндаги масъуллар олдида одамлар узок келажакда эмас, балки бугун ҳаётдан рози бўлиб яшашларига эришиш вази-фасини қўйган. Аммо инсоний ҳою-хаваслар кун сайин ошаётган, кеча на-бирасига велосипед олиб бериш ха-ракатида юрган бобо бугун кўрнмикро-машина харид қилишни режалашти-раётган бир пайтда бу вазифани бажариш осон эмас.

– Журналистика жанрлари хусусида ўндан зиёд китоблар ёзгансиз. Турли мавзулардаги мақолаларингиз даврий нашрларда мутасил эълон қилинади. Айтнинг-чи, эълон қилинган мақолаларингизнинг ҳаммасидан ҳам кўнглингиз тўлганми?

– Ҳар гал навбатдаги мақолага сўнғи нуқтани қўйгач, шу ёзганим ҳаммасидан зўр, деган фикрда бўламан. Аммо мақола эълон қилинган-нидан кейин фикрим ўзгаради. Қўп гаплар қолиб кетибди, яна бироз ишласам бўларкан, дейман. Бизнинг касбимиз шундайки, ишимиздан қониканг кунгн ўсишдан тўхтамаймиз.

– Университетдаги сабоқларингизни «Мен бу дарсни, энг аввало, ўзим учун ўтаман», деб бошлар экансиз...

– Ҳа, шундай. Мен ҳар сафар талабаларга навбатдаги сабоқ мавзусини, ундаги муаммолар ечимини тўшунти-ра эканман, бу борада ўзим қан-дай фикрда эканлигимни очик айт-ман. Бу билан талабаларни менинг фикримни айнан тақорламай, ўз-ларни эркин мушоҳада юриштиша даъ-ват этаман. Ҳаммаша фақат ўз фик-рингизни айтнинг, устозга мослаб га-пирманг, дейман. Мавзу, муаммо юзасидан янгилик фикр билдирган талабага ҳам баҳо қўяман. Нима учун дерсиз. Журъати учун, албатта.

– Бирор жиддий муаммони ўрганиб, матбуот ёки телевидениеда дади кўтариб чиқмаганингиздан афсусланганмисиз?

– Муаммолри мавзуларда жуда қўп ёзганман. Аммо матбуот саҳифала-рига олиб чиққанларимдан олиб чиқ-маганларим кўп. Бошқа касбдошларим ҳам шундай фикрда бўлсалар ке-рак. Кейинги пайтларда улуг ҳофиз Шерали Жўраев ҳақида бир хотира мақолани бошлаб қўйганман, нега-дири охирига етказ олмаганман. Тах-миний сарлавҳаси: «Етти ҳолат, етти ҳақиқат». Шов-шувиди, фавво бошла-диган хотира эмас. Шунчаки олдиди, ҳаётий ҳақиқатлар. Баъзан ичимдан

«Ёшиш шартми, бўлар иш бўлди, энди ҳеч нарсани ўзгартириб бўлмайди», деган овоз келади. Бошқа бир овоз эса «Шунча гапинг бор экан, яшириб нима қиласан», дея менга ўкрайди.

– Ёзганларимдан афсусланган пайтларим ҳам қўп бўлган. Саҳна маданияти, санъаткор одоби, мағн масъулияти ҳақида кўп ёздим. «Порнинг чўмичдан фарқи» номили китобим чоп этилди. Яқинда маза-матрасиз, ҳаётий ма-ниққа зид сериаллар, уларнинг ёшлар онгига хавфли таъсири хусусида «Чўзма ламгон» сарлавҳали мақолам эълон қилинди. Унда «Ушбу пуфак сериал-ларни хоризжа яшаётган миллатдош-ларимиз томоша қилишса, Ўзбеки-стонда бирорта ҳам тинч-тотув, аҳил-иноқ, фарзандлари илми оила йўқ экан-да, хиёнат, тўхмат, фибрибарлик, овқатга захар солиш, ҳужжатларни сох-талаштириш, отди-ўлдирди наҳотки шу қадар қўп бўлса, дунёнинг ҳаваси ке-лаётган шундай мамлакатда-я», деган хавотир бор. Бу ёзганларимни танқид остига олинганлардан бошқа ҳамма ўқиди. Ўзи ҳаммаша шундай бўлади. Бир вақтлар устоз Эркин Воҳидов «Сўз ла-тофати» номили китобига кирган мақо-ларидан бирини дастлаб адабиёт га-зетасида эълон қилинганда, уни фақат тилшуно олимлар ўқишмаган...

– Ҳаётда ўзингизни омадли деб ҳисоблайсизми?

– Албатта. Журналистикага ўқишга келатганимда вилоят газе-тасида мухбир бўлишни орзу қилган-ман. Қўриб турибсизки, кам бўлганим йўқ, шукр.

– Баъзилар сизни муаллифлар мақолаларини ҳаддан ташқари тахрир дейшади, силлиқлаб ташлайди, қийнади.

– Очиги, бу «айбловда озроқ ҳақиқат ҳам бор. Фақат «силлиқлаб юборадил», деган фикрга қўшилмайман. Тўри, силлиқлайман – гализ ва тақорр жуммаларни, нотўри ва асоссиз фикр-ларни, қаердандир олинган ёки ҳаётда учрмайдиган, шунчаки миш-миш, гап-сўзларни қайчиламаса бўлмай-ди-да. Бир мисол, илмий мақолаларда тарихий манбалардан қўлаб иқти-бослар келтирилади. Аслида бунинг ёмон жойи йўқ, аммо қўп муаллифлар иқтибосларни бирламчи манбадан эмас, бошқа мақолалардан олишади. Агар унда хато бўлса-чи, битта хато яна тақоррланади.

– Тўғри, баъзи мақолаларда иқти-бослар ва «деди-деди...»лар қал-лаштириб ташланади. Ном чиққан, унвони бор айрим ижодкорларнинг матлабларида ҳам мантиқий га-лиз ва илмий хатолар «болабаб» ётади. Шундай мақолаларни тахрир қилаётганда, ичингиздан нималар ўтади? «Эҳ ...» дейсизми ёки инда-май кўйверасизми?

– Афсуски, «эҳ ...» дегиладиган-лар, яъни ёзгани «э» баҳо тугул, ҳатто «4га ҳам тортмайди», аммо даъ-воси осмон қадар номдорлар ҳам уч-раб туради. Улар бундан кейин ҳам бў-лишад ва журналистиканинг, ижо-дий муҳитнинг бир четида «жавлон уриб» юришади. Мен бунга ажаблан-майман.

– Матбуотда танқидий мақола-ниг чиққач, сизга нисбатан фикр ўз-гарганини сезганмисиз?

– Сезганда қандоқ... Анча йиллар ав-вал адабиёт газетасида «Алия» деб ном-

ланган турк телесериали ҳақида танқидий мақола берганмиз. Сериалда икки дугона ўртасида тахминан куйидаги мазмунда суҳбат бўлиб ўтади:

« – Менга қара, дугонажон, бо-шингда эринг бор, нега фалончи билан донлашиб юрибсан? – Бир-икки марта учрашсам, нима қипти?...»

Мақола газетда чиққач, телевиде-ние раҳбарияти, айниқса, раис ўринбо-сарларидан бири бизга қарши «жанг» бошлады. Уша пайтлар ҳар ойда камиди икки-уч марта телевидениеда чиқар-дим – ҳаммаси тақа-тақ тўхтади. Бу ҳам майли, баъзи муҳаррир дўстларимиз мақолаларини «Мелибоев» деб эмас, «Оғалиев» ёки «Аҳмад Ога» деб эълон қилишди. Тўғри, шуниси ҳам шукр қилганман.

– Бош муҳаррир сифатида сизни бугун журналистларнинг жаҳон ада-биёти намуналаридан қай даражада хабардорлиги кўпроқ қизиқтиради ёки таржимонлар маҳоратимиз?

– Униси ҳам, буниси ҳам муҳим, албатта. Яна шунга эътибордан соқит қилмаслик керакки, маҳаллий муал-лифлар учун жаҳон адабиёти наму-налари ўзига хос маҳорат мактаби вазифасини ўтайди. Вальзак, Хэмин-гуэй, Драйзер, Толстой, Достоевский, Кафка, Чехов, Бунин, Айтматов каби ижодкорларнинг асарларини ўқи-ган ёки ёзувчилар қўп нараса ўрганиш-лари мумкин. Журналининг ҳар янги сонини нашрга тайёрлаётганда бунга алоҳида эътибор берамиз.

– «Жаҳон адабиёти» журна-лининг адади йил давомида гоҳ қўлаб, гоҳ мингга яқинлашади, гоҳ камайиб кетади. Бу ҳолат унда эълон қилинаётган асарларнинг савияси билан боғлиқми ёки бошқа сабаб ҳам борми?

– Мана, ниҳоят, мени ва бугун тахририятимизни безовта қилиб тур-ган муаммога етиб келдик. Давлатги-сиз раҳбари матбуот ва адабиётга не-чоғлик жиддий аҳамият бераётгани ҳаммамизга яхши аён. Бу икки маъ-навий восита бугунги кун ёшларни, эртага ўрнинизга келадиган ижодкор зиёлиларни тарбиялашда муҳим аҳа-мият касб этиши ҳеч кимга сир эмас. Шу боис маънавий нашрлар – «Ожаҳон адабиёти», «Тафаккур», «Шарқ ю-дузи» ва «Маънавий ҳаёт» журналла-рини мамлакатимиздаги ўрта таълим мактаблари ҳамда олий ўқув юртли-ри кутубханаларига беғул етказиб ту-риш топшириқи берилган. Бу топши-риқни бажариш юзасидан тегишли вазирик ва идораларга қўрсатма ҳам берилган, маблаг ажратилган. Бу-хоро, Самарқанд вилоятларидаги мак-табларга журналнимиз йил давомида тўлиқ етиб бормоқда. Адабиёт, тари-х, маънавий тарбия ўқитувчилари журнал материалларидан машғулот-ларда унумли фойдаланмоқдалар. Аммо бошқа вилоятларда бу ишга де-ярли эътибор берилаётгани йўқ. Жур-налнинг дастлабки уч-тўртта сонг чоп этилгач, апрель ёки май ойидан бошлаб обуна ташкил этилади ва у йил охирига етмай тугайди. Тошкент шаҳри, Тошкент ва Наманган вилоят-ларида бу топшириқ кейинги уч йил ичида мутлақо бажарилмади. Анди-жон, Қашқадарь, Жиззах ва Намой вилоятларида қисман бажарилди. На-манган ва Хоразм вилоятлари Мактаб-

гача ва мактаб таълими бўлимлари ҳодимлари ишни пайсалга солиб, бўл-мағур бахоналар билан тахририятни чалғитмоқдалар. Улар бугунги ёшларимиз дунё кенгликларига дадил чиқишлари учун дунёвий билимлар билан бирга жаҳон адабиётидан ҳам яхши хабардор бўлишлари зарурли-гини билмайдилар чоғи.

– Вақтингизни қандай тақсим-лайсиз?

– Вақтдан унумли фойдаланган одам биз ва сиз бугун эришаётган ютуқлар-дан ўн бундан кўп натيجاга эриша олади. Шундай экан, умрнинг ҳар лаҳ-засини беҳуда исроф қилмаслик ке-рак. Шу боис, баъзи йилнинг қўрн-май ҳам қоламан. Негаки, қимлар сўзга чиқиши ва нималар ҳақида сўзлашни аввалдан тахмин қила оламан.

– Бугун сунвий интелект жур-налистикага ҳам «мўрамақда». Бунг қандай қабул қилиш керак?

– Бу жараён шундай тус олдики, уни энди ҳеч ким сусайтга олмайди. Бу ҳолат менга улуг алломаларнинг бир ўғитини ёдимга солади: «Ҳамма нарасда, ҳатто илмий тафаккурда ҳам аниқ мақсад ва меъёр бўлиши керак». Сунвий интелектни «тарбиялаб» яратганлар нимани қўзлашган эди-ю, бугун нима бўлмоқда? Бу ихтиро хо-зининг ўзида ёлғон гапиришни, муғомбирлиқни, ёлғон ҳисобот тай-ёрлашни, қўрқитишни, «шангажн» ўрганиб олди, эртага у бугунги теле-сериалларни томоша қилиб қолса борми, бундан-да «муҳим» хусусият-ларни, масалан, ўз эгасининг овқа-тига захар қўлиш, ҳужжатларни сох-талаштириш, қўшининг қизига кел-ган совчиларга ёлғон ахборот бериш билан ҳам шуғулланиши аниқ. Ечим бу ихтиродан қандай мақсадда фойда-ланишимизда.

– Тасаввур қилинг, Аҳмаджон исми ёш журналист йилгича бугун қаршингизда ўтирган бўлса, сақсон ёшли Мелибоев унга нималар деган бўларди?

– «Ҳой бола, шу касбни ўз ихтиё-ринг билан танладингми, ҳаракат қил, қийинчиликларидан қўрқма, устозлардан ўрган, ҳар кунгн ҳеч бўл-маганда, бир-икки жумла ёзиб қўл. Қўлингни ўргат, ҳўпми?... Энди бўпти борақол, гумма тугаб қолмасин», деган бўлардим.

– Шу пайтгача ҳеч ким сизга айт-маган, лекин айтса, ичингизда жа-вобни тайёр қилиб борми?

– Бор. Агар менга бирор киши: «Менга қаранг, шу муҳаррирлик ҳам иш бўлдики, обуна-обуна деб умрингиз ўғиб кетаяпти-я. Келинг, бизнес қилайлик, бир-икки йил ичида чўми-чимиз мой устида бўлади», деса, мен унга дарҳол ғознинг юришини қила-ман деб чатағондан айрилган ўрдақ хангомасини айтиб берадирим.

– Аҳмаджон ака, қизиқарли суҳ-бат учун ташаккур. Боя юқорида айт-ганингизда, Сўзга хизмат қилиб, ҳар жиҳатдан кам бўлмаган инсон-сиз. Ижод аҳлининг ва албатта, қўла-лаб шоғирларингизнинг тилаги шуки, яна узок йиллар чин сўзингиз гадоси бўлиб юраверинг.

– Раҳмат, айтганингиз келсин.

«Ishonch» мухбири Алижон АбДУРАҲМОНОВ суҳбатлашди

Мароқли дам олинг, азиз газетчи!

Икромжон Бўронов ижросида «СЕН БАҲОРНИ СОҒИНМАДИНГМИ?» қўшиғи

Ўйгонувчи болгарни кездим, Топай, дедим қирдан изингни. Ёноғиндан ранг олган дедим – Лолзорга бурдим юзмини, Учратмадим аммо ўзингни, – Сен баҳорни соғинмадингни? Абдулқадир Навоий

QR code and contact information for Agro Finans Lizing.

«Agro Finans Lizing» АЖ томонидан Самарқанд вилояти, Пайариқ тумани, Хўжа Исмоил қўчаси, 99-ўй манзилидаги қурилиши тугалланган 3 қаватли, 2 юдузли меҳмонхона биносиде бажарил-ган қурилиш-монтаж ишларини назорат ўлчовини ўтказиш учун назорат ўлчовини амалга оши-рувчи ташкилотни ҳамда мазкур объектни баҳолаш учун «А» рейтингга эга бўлган баҳолаш ташки-лотини танлаб олиш бўйича танлов эълон қилинади.

Тўжорат тақлифлари ўрнатилган тартибда қўйдаги манзилга тақдим этилиши лозим: Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, «Катта Чилонзор-3» МФЙ, 74-ўй. Мувожаат учун телефон: (99) 973-37-18. Электрон почта: uirgashev2288@gmail.com

MUASSIS: O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi. 2007-yil 11-yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 116-raqam bilan ro'yxatga olingan.

«Ishonch» va «Ishonch-Doverie» gazetalarini tahrir hay'ati: Qudratilla RAFIQOV (tahrir hay'ati raisi). Bosh muharrir Husan ERMATOV

Bo'limlar: Kasaba uyushmalari hayoti – (71) 256-64-69. Hududlardagi muxbirlar: Qoraqalpog'iston Respublikasi – (+998-99) 889-99-20.

Navbatchi muharrir: Salim ABDURAHMONOV. Mahalliy matbuot: Dilorom XUDOYBERGANOVA, Umida XUDYOBERGANOVA.

Manzillimiz: 100165, Toshkent shahri, Buxoro ko'chasi, 24-uy. E-mail: ishonch1991@yandex.uz. Nazsh ko'rsatkichi: 133

Umumiy adadi 35 285 ta. Shundan: 6 610 nusxasi «Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasi – Toshkent shahri, Buyuk Turok ko'chasi, 41-uyda; 19 477 nusxasi «Erudit» MCHJ bosmaxonasi – Samarqand shahri, Spitamen ko'chasi, 270-uyda; 9 198 nusxasi «Poligraf-Press» MCHJ bosmaxonasi – Marg'ilon shahri, Turkiston ko'chasi, 236-«b» uyda chop etildi.